


Оилавий корхоналар сони


Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига 3797 тани ташкил этиб, улардан 3637 таси ёки 95,8 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртача 83,1 фоизга ўсган.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг асосий қисми, яъни 1117 таси Самарқанд шахрига, 398 таси Пастдарғом, 393 таси Самарқанд ҳамда 353 таси Иштихон туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони, бирликда



Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича қаралганда оилавий корхоналарнинг 32,6 фоизи ёки 1185 таси саноатда, 27,7 фоизи ёки 1009 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 21,0 фоизи ёки 763 таси савдода, 8,2 фоизи ёки 298 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 1,0 фоизи ёки 37 таси ахборот ва алоқада, 0,9 фоизи ёки 32 таси қурилишда, 0,8 фоизи ёки 29 таси ташиш ва сақлашда, 0,4 фоизи ёки 13 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда ҳамда 7,5 фоизи ёки 271 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда

